

ЗАРАРНИ ИХТИЁРИЙ РАВИШДА ҚОПЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИНГ ЎРНИ

Мавлонов Темур Анвар ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси

таянч докторантура докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568475>

Аннотация: Ушбу мақолада ишни судга қадар юритиш босқичида ярашув асосида жиноят ишин тугатиш институтини қўллаш билан боғлиқ айрим масалалар бўйича фикрлар акс этган.

Калит сўзлар: ярашув, жиноят ишини тугатиш, норма, исботлаш, шикоят бериш.

Зарарни ихтиёрий равишда қоплашни таъминлашнинг бугунги кундаги тергов амалиётини таҳлил қилишни биринчи навбатда ярашув институтидан бошлашни мақсадга мувофиқ деб топдик. Дастлаб жиноят қонунчилигида **ярашув институти** 2001 йилда “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан жорий этилган бўлиб, дастлаб Жиноят кодексининг 26 та моддаси(32 та жиноят таркиби)да назарда тутилган жиноятларга нисбатан тадбиқ этилган [1] ва бугунги кунда 46 та модда(61 та жиноят таркиби)да назарда тутилган жиноятларга нисбатан қўлланилмоқда [2].

Статистик маълумотлар таҳлили тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан судлар томонидан ЖК 66¹-моддасига асосан тугатилган жиноят ишларининг салмоғи йилдан йил ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2018 йилда 9486 нафар шахсга нисбатан 8949 та жиноят ишлари, 2019 йилда 7329 нафар шахсга нисбатан 6980 та жиноят ишлари, 2020 йилда 8266 нафар шахсга нисбатан 7791 та жиноят ишлари, 2021 йилда 13624 нафар шахсга нисбатан 12788 та жиноят ишлари, 2022 йилнинг 9 ойи давомида эса 11090 нафар шахсга нисбатан 10427 та жиноят ишлари тарафларнинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилган [3].

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сон қарорининг 4-бандида суриштирувчи ва терговчилар томонидан жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг қонуний вакиллариغا ЖК 66¹-моддасида назарда тутилган жиноий жавобгарликдан озод этиш асослари тушунтирилиши ва бу ҳақда баённома тузилиши лозимлиги [4] қайд этилган. Бугунги кунда суриштирув ва тергов органлари томонидан ушбу қоидага амал қилиш борасида ишларнинг аҳволи қандай?

Суриштирувчи ва терговчилар томонидан юритувидаги Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноят таркиблари бўйича жиноят ишларининг барчасида юқорида назарда тутилган процесс иштирокчиларининг барчасига ярашув институтининг моҳияти тушунтирилиб, бу ҳақида баённомалар тузилмоқда.

Аммо, айрим ҳолларда шахсларнинг ушбу ҳуқуқлари таъминланмасдан қолмоқда. Хусусан, суриштирув ва тергов амалиётида мавжуд бўлган қилмишни квалификация қилиш билан боғлиқ муаммолар бунга мисол бўлиши мумкин. Қилмишга ҳуқуқий баҳо

беришда қийинчиликлар юзага келиши оқибатида суриштирувчи ва терговчилар уни дастлаб ярашувга таалуқли бўлмаган ижтимоий хавфи юқорироқ ҳисобланувчи модда билан квалификация қилмоқдалар. Чунки, ЖПКнинг 585-моддасида “содир этилган қилмишда оғирроқ жиноят таркиби белгилари мавжудлиги аниқлангудек бўлса, суд умумий қоидалар бўйича суриштирув ёки дастлабки тергов юритилиши учун ишни прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқаради” деган қоида мустаҳкамланган бўлса, 415-моддасида эса суд айбловнинг бир қисми ёки жиноятнинг тавсифий аломатларини чиқариб ташлаш орқали айбловни ўзгартиришга ҳақли эканлиги, яъни оғиридан энгилига ўтиши мумкинлиги қайд этилган. Бу эса суриштирувчи ва терговчилар “суд ишимни дастлабки терговга қайтармасин” деган фикр билан ушбу ҳаракатни амалга оширадилар ва натижада жиноят процесси иштирокчиларининг дастлабки тергов вақтидаги ярашув билан боғлиқ ҳуқуқлари амалга оширилмай қолади.

Масалан, Тахиатош туманида фуқаро А.га нисбатан ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан қўзғатилган 1-2306-2201/56-сонли жиноят иши айблов хулосаси билан Жиноят ишлари бўйича Тахиатош тумани судига жўнатилган. Судда судланувчининг содир этган ҳаракатлари ЖКнинг 25, 169-моддаси 1-қисмига қайта малакаланиб, унга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган ва 1 йил 2 ой муддатга аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Жабрланувчилар суд залида судланувчини кечирганликларини, зарар билан боғлиқ даъволари йўқлигини ва унга нисбатан энгиллик беришларини сўраганлар. Аммо, суд жараёнида тарафларга ярашув институтининг моҳияти тушунтирилмаган [5]. Терговчининг қилмишни нотўғри квалификация қилиши ва суднинг қайта малакаланган жиноят ишида ярашувни қўллаш мумкинлигини тарафларга тушунтирмаганлиги судланувчи А.нинг ҳуқуқлари таъминланмай қолишига олиб келди.

Амалдаги қонунчилигимиз таҳлили натижасида бу масалага ҳеч қандай ечим қайд этилмаганлигини аниқладик. ЖПКда ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноят таркиблари бўйича жиноят ишларини юритиш жараёнида жинжоят ишини юритишга масъул бўлган шахслар зиммасига тегишли процесс иштирокчиларига ярашув институтининг моҳиятини тушунтириш вазифаси юклатилмаган. Фақатгина, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сон қарорининг 4-бандида “...судлар ярашув тўғрисидаги ишларни кўришда суриштирув ёки дастлабки тергов даврида жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг қонуний вакилларига ярашув институтининг моҳиятини, Жиноят кодекси 66¹-моддасида кўзда тутилган жиний жавобгарликдан озод этиш асослари тушунтирилганлигига ва бу ҳақда тегишли баённома тузилганлигига эътиборларини қаратишлари лозим”[6] лиги қайд этилган. Суд жараёнида эса бу ҳақида тушунтирилиши лозимлиги масаласи очиқ қолган. Шунингдек, ушбу қоида суриштирувчи ва терговчиларга бу бўйича мажбурият юкламайди. Бу эса ярашув институтининг қўлланилиши ва жиноят натижасида етказилган зарарнинг қопланиш доирасини чеклайди.

Ушбу муаммони бартараф этиш учун жиноят ишини юритишга масъул бўлган шахслар зиммасига ярашув институтининг моҳиятини процесс иштирокчиларига тушунтириш мажбуриятларини юклаш лозим. юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексини янги 583¹-модда билан тўлдиришни таклиф этасиз:

583¹-модда. Жиноят процесси иштирокчиларига ярашув институтининг моҳиятини тушунтириш.

Жиноят кодекси 66¹-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ишларини кўриш чоғида суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва уларнинг қонуний вакилларига ярашув институтининг моҳиятини, Жиноят кодекси 66¹-моддасида кўзда тутилган жиноий жавобгарликдан озод этиш асослари ва ушбу Кодекснинг 583-моддасида назарда тутилган қоидаларни тушунтириши лозим. Суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида бу ҳақида алоҳида баённома тузилиши, суд босқичида эса суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилиши лозим.

Суд босқисидида жиноят иши айбловнинг бир қисми ёки жиноятнинг тавсифий аломатлари чиқариб ташланиши натижасида ЖКнинг 66¹-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноят таркиблари бўйича қайта малакаланган ҳолларда суд ушбу Кодекснинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 254-II-сон Қонуни. URL: <https://lex.uz/docs/87124> (Мурожаат этилган сана: 17.11.2022)
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. URL: <https://lex.uz/docs/111453> (мурожат этилган сана: 18.11.2022)
3. Жиноят ишлари бўйича судларнинг 2018-2021 йиллар ҳамда 2022 йил 9 ойлик фаолият яқунларининг асосий кўрсаткичлари // URL: <https://stat.sud.uz> (мурожаат этилган сана: 18.11.2022)
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/1453539> (мурожаат этилган сана: 18.11.2022)
5. 1-2306-2201/56-сонли жиноят иши юзасидан Жиноят ишлари бўйича Тахياتош туман судининг 2022 йил 29 август кунидаги хукми // URL: <https://public.sud.uz/report/CRIMINAL>
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/1453539> (мурожаат этилган сана: 18.11.2022)